



SPECIALIZED TRAINING, EDUCATION, AND FORMATION OF JUDGES — A REQUIREMENT OF THE TIME AND A PRIORITY OF STATE POLICY

Abdukayum Mahkamovich Mahkamov

Doctor of Philosophy (PhD) in History

Chairman of the Kashkadarya Regional Court

a.mahkamov@gmail.com

Karshi, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: judicial training, specialized educational system, state policy, judicial and legal reforms, rule of law, judicial competence, justice, legal culture, personnel policy, international experience.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

Abstract: This article examines the role of specialized training, education, and professional development of judges in ensuring modern public administration and the rule of law. It provides a scholarly analysis showing that judicial activity requires a high level of responsibility, and that the professional competence of judges is a decisive factor in establishing justice within society. The article emphasizes that enhancing the qualifications of judges is a priority direction of state policy, explores reforms aimed at improving the quality of personnel in the judicial and legal system, and highlights the importance of specialized educational institutions in this process. Based on international experience, the adaptability of contemporary models of judicial training and their significance in protecting the rights and freedoms of citizens are also analyzed.

ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА СУДЪЯЛАРНИ ЎҚИТИШ, ТАЙЁРЛАШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ-ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Абдукаюм Махкамович Махкамов

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Қашқадарё вилоят суди раиси

a.mahkamov@gmail.com

Қарши, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: судьялар тайёрлаш, ихтисослашган ўқув тизими, давлат сиёсати, суд-ҳуқуқ ислохотлари, қонун устуворлиги, судьялик малакаси, адолат, ҳуқуқий маданият, кадрлар сиёсати, халқаро тажриба.

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий давлат бошқаруви ва қонун устуворлигини таъминлашда судьяларни ихтисослиги бўйича ўқитиш, тайёрлаш ва касбий ривожлантиришнинг ўрни ёритиб берилган. Судьялик фаолиятининг юксак масъулият талаб қилиши, жамиятда адолатни қарор топтиришда уларнинг профессионал салоҳияти ҳал қилувчи омил эканлиги илмий асосда таҳлил қилинган. Мақолада судьялар малакасини оширишнинг давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланиши, суд-ҳуқуқ тизимида кадрлар сифатини яхшилашга қаратилган ислохотлар ҳамда ихтисослашган таълим муассасаларининг бу жараёндаги ўрни кўрсатиб берилган. Шунингдек, халқаро тажриба ўрганилган ҳолда судьяларни тайёрлаш моделларининг замонавий талабларга мослашувчанлиги ва уларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги аҳамияти таҳлил қилинган.

ОБУЧЕНИЕ, ПОДГОТОВКА И ФОРМИРОВАНИЕ СУДЕЙ ПО СПЕЦИАЛИЗАЦИИ — ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ И ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА

Абдукаюм Махкамович Махкамов

Доктор философии по историческим наукам

Председатель суда Кашкадарьинской области

a.mahkamov@gmail.com

Кариш, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: подготовка судей, специализированная система обучения, государственная политика, судебные реформы, верховенство закона, профессиональная компетентность судей, справедливость, правовая культура, кадровая политика, международный опыт.

Аннотация: В статье раскрывается роль специализированного обучения, подготовки и профессионального развития судей в обеспечении современного государственного управления и верховенства закона. Научно обоснован анализ того, что судебская деятельность требует высокой ответственности, а профессиональная компетентность судей является решающим фактором в утверждении справедливости в обществе. В статье также подчеркивается, что повышение квалификации судей является приоритетным направлением государственной политики, рассматриваются реформы, направленные

на улучшение качества кадров в судебной правовой системе, и показывается значение специализированных образовательных учреждений в данном процессе. На основе изучения международного опыта анализируется адаптивность современных моделей подготовки судей и их важность в обеспечении защиты прав и свобод граждан.

Кириш. Юртимизда суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, судларнинг холислигини ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида судлар фаолияти босқичма-босқич такомиллаштирилиб, судьялар ҳамжамиятининг роли ошмоқда.

Суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланганлиги ва бевосита Президентимизнинг эътиборида эканлиги эътирофга моликдир.

Барча касбларга катта ҳурмат билан айтиш мумкинки, судьялик – инсон тақдири билан боғлиқ маъсулиятли лавозим.

Зеро, судья нафақат муайян суд ишини ҳал қилиш ваколатига эга бўлган мутлоқ ҳуқуқли процессуал шахс, балки у, аввало жамиятдаги энг обрўли инсондир. Айнан судьялик маданияти, судьянинг илм-маърифати орқали одил судловга ҳурмат, Конституция ва Қонунлар устуворлигига ҳамда адолатга ишонч шаклланади. Инсон тақдири билан бевосита боғлиқ лавозимнинг талаби ҳам шунга яраша бўлиши табиий.

Асосий қисм. Айни пайтдаги суд-хуқуқ тизимидаги кенг қамровдаги ислоҳотлар, судьяларга берилаётган имтиёз ва қулайликлар судьяларнинг маъсулиятини ҳам оширади.

Судни том маънода “Адолат кўрғони”га айлантириш орқалигина фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас.

2020 йилнинг 30 июнь куни Президент раислигида “Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши кураш” борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бу масала қанчалик муҳим ва долзарб эканлигини кўрсатиб берганди[1].

Ҳаммамиз ёдда тутишимиз керак, қачонки судья мустақил бўлса, қонунга сўзсиз бўйсунса, маъсулиятни чуқур ҳис қилса, беғараз ва холис бўлгандагина адолат ўрнатилади.

Суд тизимида фаолият олиб бораётган мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, халқаро даражада фаолият олиб бориб, инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси бўла оладиган кадрларни тайёрлаш бўйича Судьялар малакасини ошириш халқаро ташкилоти (ИОЖТ) иш юритади. Ўзбекистон 2022 йилда мазкур ташкилот аъзолигига қабул қилинди. Ушбу ташкилотга 77 мамлакатнинг 125 та судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ва судьялар малакасини оширишга масъул ташкилотлар аъзо ҳисобланади[2].

АҚШ, Германия, Швеция, Хитой, Япония, Австралия каби мамлакатларда халқаро даражадаги судьяликка номзодларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, уларнинг фаолиятини ўрганадиган ва таҳлил этадиган илмий марказлар фаолият олиб боради. Ушбу марказларда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва ривожлантириш стратегияларини муҳокама қилиш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш борасида амалий ишлар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Давлат ва жамиятни тубдан модернизациялаш, энг аввало, одил судловга эришишдан, қонун устуворлигидан бошланади. Шу боис, истиқлолнинг илк даврлариданоқ юртимизда ҳокимиятлар бўлиниш тамойили қарор топди, фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш бирламчи вазифага айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21-ноябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон, 2020 йил 29-апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сон, 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон фармонлари, 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

Мамлакатимизда одил судлов самарадорлигини ошириш, кенг имкониятлар яратиш мақсадида катта ишлар, ислохотлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи, шоҳиди бўлиб турибмиз.

Шунинг билан бирга яна қилиниши керак бўлган масалалар мавжуд бўлиб, қуйида ўзимнинг фикрларимни билдирмоқчиман.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида судьялар билимининг, ҳуқуқий савиясининг пастлиги, ўз шахсий манфаатларини одил судлов манфаатидан юқори қўйиш, суд процесси иштирокчиларига нисбатан ҳурматсизлик, ишларни кўриш ва шикоятларни ҳал қилишда сансалорлик, судьяларнинг касбий даражасини ошириш бўйича ишлардаги расмиятчилик, фуқаролар шикоятларини текшириш масаласига енгил-елпи ва юзаки ёндашиш, юқори суд инстанциялари судьялар томонидан йўл қўйилаётган қонунсизликларга тегишли ҳолда таъсир чоралари қўлланилмаслиги, буларнинг барчаси мамлакатнинг бутун суд тизимини обрўсизланишига олиб келди.

Бунинг барчаси судьяларни қайта ўқитишни, малакасини оширишни тақоза этди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Юристарлар малакасини ошириш маркази ташкил этилди. Юристарлар малакасини ошириш марказида судьяларни ўқитиш жараёнида турли мавзуларда маърузалар ўқилди. Марказда ҳар йили бир ярим мингга яқин давлат ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқшунос ходимлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитилди. Шу жумладан, бошқа тизим ходимлари каби фаолият юритаётган судьялар ҳам икки ҳафталик курсларда ўқишлари орқали ўзларининг касбий малакаларини шу Марказда ошириб келишди.

2017 йил 13 июнь куни Президент Ш.Мирзиёевнинг суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган судьялар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди раиси сифатида мен томонидан Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристарлар малакасини ошириш курси талабга жавоб бермаслиги сабабли судьяларни ўқитиш, уларнинг малакасини оширишни мутлақо бошқача ташкил этиш ва судларнинг ваколатларини кенгайтириш ҳақида таклиф берилди.

Давлат раҳбари судьяларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича судлар Академиясини ташкил қилишни маълум қилиш билан бир қаторда судлар ваколатини кенгайтириш масалалари бўйича билдирилган таклифларни кўриб чиқиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги қарори билан Судьялар Олий Кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил қилинди.

Бу мактабда судьялар судлар бўйича ихтисослашуви ва рақамлаштирилиши, умуман, ҳозирги замон судьяларига жаҳонда қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб тайёрланди.

Янги Ўзбекистон шароитида судьялик лавозимига номзодларни “30 фоиз назария – 70 фоиз амалиёт” тамойили бўйича тайёрлаш йўлга қўйилди ва бу бўйича дастур 4 та босқични қамраб олди, бунда асосий эътибор судьяларнинг назарий ва суд психологияси, амалий стажировка, суд-ҳуқуқ ислохотлари, судьянинг маънавий қиёфасини шакллантириш каби жиҳатларга қаратилди.

Судьялар олий мактабига давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилди. Мазкур таълим муассасасида Илмий кенгаш, 5 та кафедра: фуқаролик ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, касбий кўникмалар кафедралари ва бир қатор бўлимлар фаолият кўрсатди. 2020 йили Судьялар олий мактабида 13 нафар илмий даражага эга бўлган мутахассислар фаолият кўрсатган, жумладан уларнинг 3 нафари юридик фанлар доктори, профессор эди.

2020 йил 1 августга қадар ушбу таълим муассасасида 59 нафар номзод судьялик йўналиши бўйича 1 йиллик магистратура босқичида таълим олиб, шундан 18 нафари судья лавозимига тайинланган бўлиб, уларнинг 7 нафари иқтисодий суд, 6 нафари жиноят ишлари бўйича суд, 5 нафари фуқаролик ишлари бўйича судларда фаолият юритган. Кейинги йилларда ҳам Судьялар олий мактаби бу борада самарали фаолият юритди. Жумладан, 2020-2021 ўқув йилида 75 нафар, 2021-2022 ўқув йилида 76 нафар, 2022-2023 ўқув йилида эса 139 нафар номзодлар бир йиллик магистратурага босқичига ўқишга қабул қилинган.[3]

Ўзбекистонда 2000 йилдан бошлаб судлар ихтисослаштирилиб, жиноят ишлари, фуқаролик ишлари, хўжалик ишлари бўйича алоҳида-алоҳида судлар ташкил этилди. Ўзбекистонда судларнинг ихтисослаштирилиши судьялар фаолиятида йўл қўйиб келинган ҳатоларнинг объектив сабабларини бартараф этишга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада кучайтиришга, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилиши таъминлашга хизмат қилиб келди.

Ўзбекистонда суд ҳокимияти тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар доирасида судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини замонвий талабларга мослаштириш, уларнинг касбий малакаларини ошириш ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш муҳим вазифа сифатида белгиланган. 2025 йилнинг 21 август куни ушбу мақсадларга хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан Судьялар олий мактаби фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ташкил этилди. Академияда

таълим жараёни “устоз-шогирд” анъанаси асосида “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойилига мувофиқ ташкил этилиши белгиланди.[4]

Судьяларни қайта тайёрлаш мақсадида 2025 йил 1 октябрдан бошлаб, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш Академиянинг олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларида давлат гранти асосида суд ихтисосликлари бўйича ташкил этилган.

Фармон судьяликка кадрларни тайёрлаш тизимини аниқ ва самарали ташкил этишда муҳим вазифани амалга оширади. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга, нуфузини оширишга қаратилган чора-тадбирлаш сирасига кирувчи муҳим вазифалардан бири-бу Академияда малака оширишнинг замонвий метод ва усуллари жориш этиш бўлаяпти.

Судьяларнинг чинакам ўз касбининг мохир устаси бўлиб шаклланишлари учун Судлов Академиясида таҳсил олаётган тингловчилар учун ўқиш методикасини судьяларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларнинг ихтисослиги бўйича судья этиб шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу сабабдан Академияда нафақат барча кодексларни ўқитишни, Конституциямизни, халқаро ҳуқуқни, халқаро пактларни, ратификация қилинган битимларни қўллашни, Конвенциялар талабларини, унинг ижро этилиши тартибини, ўзбек, рус ва инглиз тилларини ўқитишни, Судьялар одоби кодексига риоя қилишни, судья этикасини, уйда, кўчада, ишда, жамоат жойларида, тантанали маросимларда, халқаро анжуманларда, чет элда хизмат сафарларида ўзини қандай тутиши, муомалада қандай бўлиши, нималарни гапириши мумкин, аксинча қандай масалаларда мулоқатга киришиш мақсадга мувофиқ эмаслигини, сафарда меҳмонхонада бўлиш тартибини, умумий овқатланиш жойларида, меҳмон ташрифи муносабати билан бериладиган тантанали овқатланиш дастурхонига таклиф этилган жойларда бўлиш давомида (овқатланиш анжомларидан) приборлардан (қошиқ, вилка, пичоқ, сочиқ, сальфетка, Осиё давлатларидаги овқатланиш чўпларидан) фойдаланиш тартибларини, борган давлатидаги Одил судлов қонунларини ва амалиётини ўрганиш тартибларини, сафар якуни бўйича таклиф ва мулоҳазалар тайёрлашни, биринчи, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларида суд процессларини ўтказишни, ўтказиш маданиятини, тарафлар ва суд процесси бошқа иштирокчилари билан бўладиган мулоқот маданиятини, илтимосномаларни ҳал қилиш, санкция материалларини кўриб чиқиш, экспертизалар тайинлаш тартибларини, суд қарорларини ўқиб эшиттириш, мазмунини тушунтириш, суд процессида оммавий ахборот воситалари иштирокини, суднинг нуфузини ошириш юзасидан одил судловга бағишланган видеороликлар тайёрлаш тартибини, интервьюлар бериш, тарғибот-ташвиқот масалаларида иштирок этиш, телевиденияда, радиода чиқишлар қилиш, газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, илмий тадқиқот

билан шуғулланиш, талабаларга дарс беришдаги нозик масалалар, қонунчилик, Пленум қарорлари лойиҳалари бўйича таклифлар бериш, Пленум йиғилишларида сўзлаш, фикрларни аниқ ва лўнда ифода этиш, маърузалар қилиш, араторлик санъати, Ахборот, компьютер технологиялари ва электрон ҳукумат дастурларини, киберхавфсизлик масалаларини ўқитиш ва буларни ўргатишни дарслик сифатида киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буларни ўқитишнинг мутлоқ уяти бўлмаслиги лозим. Аксинча, ўқитиш, ўқиш, ўрганиш ва билиш кўпчиликнинг ичида ёки ҳар жойда муълзам бўлишдан яхшироқ.

Чунки, бўлғуси судьялар аслида олий маълумотга эгалик дипломи соҳибларидир. Академиянинг асосий вазифаси уларни энди ҳар бир йўналиш бўйича соҳанинг мутахассиси, ҳаётни бошқалардан кўпроқ биладиган, одамларга ҳурматда бўлоладиган, диёнатли, кенг фикрловчи, мушоҳадали, зиёли, зехнли, зукко, фаросатли, андишали, вазмин, босиқ, сермулоҳаза, саранжом-сарипштали, ўзини ҳар хил кўнгилочар ўйинлардан, базмлардан, маишатдан, айш-ишратдан, спиртли ичимликлардан, тамаки маҳсулотлари, сигарет, насвой каби нарсаларни истеъмол қилишдан ўзини тияоладиган, сабрли, қаноатли, бардошли, нафсини жиловлай оладиган қилиб тайёрлаб беришдан иборат бўлиши керак.

Хулоса. Дарҳақиқат, бугун юртимизда олиб борилаётган барча йўналишдаги ислохотларнинг марказида инсон омили турибди. Бу ҳаётий ҳақиқатни Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасидаги “Инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди”-деб билдирган сўзлари ҳам исботлаб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши кураш муҳокама қилинди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. www.president.uz
<https://president.uz/uz/lists/view/3684>
2. Махкамов А.М. “O‘zbekiston Respublikasi sud tizimidagi islohotlar va sudyalar korpusini shakllantirishdagi davlat siyosati (1991 – 2022 yillar)”. Phd иши 3-б.
3. Махкамов А.М. “O‘zbekiston Respublikasi sud tizimidagi islohotlar va sudyalar korpusini shakllantirishdagi davlat siyosati (1991 – 2022 yillar)”. Phd иши 73-74-б.
4. Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
<https://lex.uz/en/docs/7696594>